

ҚУРИЛИШ МОНТАЖ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА №480-2022-сонли ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Наманган шаҳри

9 декабрь 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Наманган минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК номидан Низом асосида иш кўрувчи корхона директори О.Назаров биринчи томондан ва иккинчи томондан «Пудратчи» деб юритиладиган Наманган ТЙФУК номидан Низом асосида иш кўрувчи жамият директори А.Жўраев, кейинги ўринларда «объект» деб юритиладиган, Наманган тумани Ғайрат МФЙ ички кўчаларини 2,761 км.ни жорий таъмирлаш (асфальтлаш) ишларини бажаришга доир мазкур шартномани тузиб имзоладилар.

I. Шартнома мавзуси

1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартлари ва белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ «Объект»да ишларни бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса «Пудратчи»га ишларни бажариш учун зарур бўлган шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-408-сон қарори ва 2022 йил 5 декабрдаги №194363-сонли танлов баённомасига асосан «Пудратчи» томонидан объектда бажариладиган қурилиш монтаж ишлари юзасидан аниқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 1 145 572 884 (бир миллиард бир юз қирқ беш миллион беш юз етмиш икки минг саккиз юз саксон тўрт) сўмни ташкил этади.

2.2. Шартноманинг 2.1. бандида кўрсатиб ўтилган ишларнинг қиймати якуний деб ҳисобланади ва яна қайта кўриб чиқилмайди, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

– қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

– ишлар ҳажми «Буюртмачи» томонидан ўзгартирилганда;

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, мазкур шартномага киритиладиган ўзгартиришлар «Буюртмачи» ва «Пудратчи» томонларидан шартномага қўшимча келишув битими орқали расмийлаштирилади.

III. «Пудратчи»нинг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

– Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасига мувофиқ «Ишларни бажариш жадвали»да назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

– «Буюртмачи»ни пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

– Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

3.2. Ушбу шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.3. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

IV. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари

Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

- 4.1. «Объект»да қурилиш-монтаж ишлари бўйича ишлаб чиқилиб тегишли равишда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларини «Пудратчи»га тақдим қилиш;
- 4.2. Шартноманинг 1-илоvasи “Ишларни бажариш жадвали”га асосан бажариладиган ишларни тўла ҳажмда бажарилиши ва сифати устидан доимий техник назоратини амалга ошириш;
- 4.3. Шартномада қайд этилган «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш,
- 4.4. «Пудратчи»дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- 4.5. Шартноманинг 2-илоvasида келтирилган “Молиялаштириш жадвали”га мувофиқ «Пудратчи»га аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- 4.6. «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш;
- 4.7. «Пудратчи» томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида олиб борилмаган, сифатсиз ҳамда тўла ҳажмда бажарилмаган ишларни ўзининг ҳисобидан қайтадан бажарилишини таъминлаш;
- 4.8. «Пудратчи»нинг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

V. Ишларни бажариш муддатлари

- 5.1. «Пудратчи» мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
- 5.2. Мазкур шартнома бўйича ишлар “Ишларни бажариш жадвали”га мувофиқ амалга оширилади.

VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

- 6.1. «Буюртмачи» «Пудратчи»га шартнома бўйича 30 фоиз миқдорида аванс ўтказди, бу 343 671 865 (уч юз қирқ уч миллион олти юз етмиш бир минг саккиз юз олтмиш беш) сўмни ташкил этади.
- 6.2. «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1-2-иловалар).
- 6.3. Жорий ойма-ой молиялаштириш амалда бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.
- 6.4. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи миқдоридаги тўлови, қурилиш ишлари тугалланиб, объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилиниб, мазкур шартномада қайд этилган кафолатли муддат ўтиб бўлгандан сўнг, «Буюртмачи» ва «Пудратчи» ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоблар якуний натижаларидан келиб-чиққан ҳолда ва шу билан бирга жорий молия йили тугамасдан амалга оширилади.
- 6.5. «Пудратчи»нинг ишончли вакили бажарилган ишларни молиялаштириш мақсадида бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоб варағи (Ф-3)ни нуқсонларсиз, ўрнатилган тартиб ва белгиланган муддатларда «Буюртмачи» томонидан тайилланган техник назоратчи иштирокида «Буюртмачи»нинг ҳисоб-китоб бўлимига тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш учун тақдим этади.
- 6.6. Томонларни ўзаро ҳисоб-китобларни узил-кесил ҳал этиш учун «Пудратчи» «Буюртмачи»га бажарилган ишларни қабул қилиб олиш далолатномасини молия йили декабр ойининг 5 чи кунига қадар тақдим этиши шарт.

VII. Ишларни бажариш

- 7.1. «Буюртмачи» қурилиш майдонида ўз вакилини – техник назоратчини тайинлайди, у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
- 7.2. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.3. «Пудратчи» техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи «Пудратчи» томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

7.4. «Пудратчи» ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.5. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш «Пудратчи»нинг вазифаси ҳисобланади.

7.6. «Пудратчи» ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

7.7. Агар беркитиладиган ишлар «Буюртмачи»нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

7.8. Агар «Буюртмачи» «Пудратчи» ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда «Пудратчи» ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

7.9. «Пудратчи» «Буюртмачи» томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7.10. «Пудратчи» сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, «Пудратчи» уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни «Буюртмачи»га тўлайди.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, ёки шартноманинг бажариш муддати мобайнида янги конун ҳужжати қабул қилинганлиги туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

8.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

9.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

9.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида «Пудратчи»нинг ёзма билдиришномаси «Буюртмачи» томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

9.3. «Пудратчи» қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ «Буюртмачи»га «Буюртмачи» томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. «Пудратчи» «Буюртмачи»га ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.4. «Пудратчи» объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича «Объект»га мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект «Буюртмачи»га топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади.

X. Кафолатлар

10.1. «Пудратчи»:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

10.2. «Объект»да бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган «Объект»ни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади.

10.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар «Пудратчи» томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

10.4. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

10.5. Агар «Пудратчи» бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда «Буюртмачи» мазкур шартноманинг VI бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини «Пудратчи»дан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

10.6. «Пудратчи» нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини» томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XI. Шартномани бекор қилиш

11.1. «Буюртмачи»:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши «Буюртмачи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Пудратчи» томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати «Пудратчи»нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, «Пудратчи» томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- «Пудратчи» томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.2. «Пудратчи»:

- ишларнинг бажарилиши «Пудратчи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Буюртмачи» томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- «Буюртмачи» томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- «Буюртмачи» мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, «Пудратчи» бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Буюртмачи»ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор

қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда «Буюртмачи» «Пудратчи» томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.3. Шартнома бекор қилинганда «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда «Буюртмачи»га берилади, «Буюртмачи» бажарилган ишлар қийматини «Пудратчи»га тўлайди.

11.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

11.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

11.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ХII. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

12.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

12.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши «Буюртмачи»ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

12.3. «Пудратчи» объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

12.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда «Буюртмачи» «Наманган қурилиш таъмир экспертиза бюроси мутахассисининг хулосасига мувофиқ» объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек «Пудратчи»дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

12.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

12.6. Муддати ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

ХIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XIV. Алоҳида шартлар

14.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.2. «Пудратчи» қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини «Буюртмачи»нинг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

14.3. Шартномага ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши фақат қонун ҳужжатларида курсатилган ҳолатлар ва белгиланган тартиб асосида амалга оширилиши мумкин.

14.4. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

14.4. «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

14.5. Агар «Пудратчи» шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда «Буюртмачи» «Пудратчи» қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

14.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

14.7. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Ҳазначилик идораларидан рўйхатдан ўтказилган сўнг кучга киради.

14.8. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача деб белгиланади.

14.9. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

XV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

«БУЮРТМАЧИ»

Наманган минтақавий йўлларга
буюртмачи хизмати ДУК

Манзил: Наманган ш. Саноат кўча 19-уй
Тел./факс: (78) 223-02-30
Ш.Х.В: 301821860144017045204118024
ИНН: 304893929, ОКОНХ: 71120
Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлиги Ҳазначилиги
х/р: 23 402 000 300 100 001 010
Банк: Марказий банк Тошкент ШББ. ХККМ
МФО: 00014, ИНН: 201122919

Директор  О.Назаров
М.Ў

Ҳуқуқшунос  Р.Шамсутдинова



«ПУДРАТЧИ»

Наманган туман йўллардан фойдаланиш
унитар корхонаси

Манзил: Тошбулоқ ш., Мустақилликнинг
5 йиллиги кўчаси тел./факс: (69) 472-15-06
х/р: 22 626 000 200 366 200 005
Банк: ТИФ Миллий банк Наманган филиали
МФО: 00222, ИНН: 200082313
ОКОНХ: 61129

Директор  А.Жўраев
М.Ў

Ҳуқуқшунос 



Наманган вилояти Наманган тумани Ғайрат МФЙ ички кўчаларини жорий таъмирлаш ишларини

БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

№	Амалга оширилган ишлар	2022-йил учун қурилиш қиймати												Жами	
		ойлар													
		январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
1	Наманган тумани Ғайрат МФЙ ички кўчаларини жорий таъмирлаш	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1 145 572 884	1 145 572 884
		-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1 145 572 884	1 145 572 884



Буюртмачи **О.Назаров**



Ижратчи **А.Жураев**


МУХОКАМА АХБОРОТИ

09.12.2022 йил

Наманган шаҳри

Наманган вилояти ҳудудидаги Наманган минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати ДУК томонидан 21.11.2022 йилдаги 194363-сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Наманган вилояти Наманган тумани Ғайрат МФЙ ички кўчаларини жорий таъмирлаш ишлари учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61-моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича "Наманган ТЙФУК" томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62-моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Наманган Минтақавий йўлларга
буюртмачи хизмати ДУК директори:



О.Назаров

Корхона бош ҳисобчиси



А.Тожибаев



Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 194363 на приобретение Текущий ремонт улиц Беруний и Азиз в МСГ “Гайрат” Наманганского района Наманганской области

Способ проведения электронный

Дата 05.12.2022

Время рассмотрения 04.12.2022 13:04

Закупочная комиссия Наманган минтакавий йулларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	Назаров Одилжон Олимжанович	директор	Наманган МЙБХ ДУК
Секретарь комиссии	YUSUPOV SHUXRAT XAKIMJONOVICH	специалист по договору	гасн
Член комиссии	Ахмедов Нозим Носирович	бош муҳандис	Наманган МЙБХ ДУК
Член комиссии	Боёзов Дилшод Адхамжонович	бўлим бошлиғи	Наманган МЙБХ ДУК
Член комиссии	Хакимбаев Ойбек Орифович	бўлим бошлиғи	Наманган МЙБХ ДУК
Член комиссии	Инамов Илхомхўджа Исломхўжаевич	бўлим бошлиғи	Наманган МЙБХ ДУК
Член комиссии	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Наманган вилояти худудий бошкармаси ходими	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси
Член комиссии	Тожибаев Акмалжон Алишерович	бош ҳисобчи	Наманган МЙБХ ДУК

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 05.12.2022 года № лота 194363.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Наманган тумани Ғайрат МФЙ Беруний кўчаси 1,5 км ва Азиз кўчаси 1,5 км жами 3 км қисмини асфальтлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	1205 866 194.00
Стартовая сумма	1205 866 194.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие

баллы:

Критерий №1 Форма-1

Тип: Текстовое значение

Описание: Декларация

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN	5	Ф-1	5	Экспертная		
ЯНГИКУРГОН ТЎФУК	5	1205866000	5	Экспертная		
УП ҚАМСИҚАВТОҲО'Л	5	10	5	Экспертная		
RUBIN VIA МЧЖ	5	5	5	Экспертная		
JOBIRBEK МСНЈ	5	5	5	Экспертная		

Критерий №2 Форма-3

Тип: Текстовое значение

Описание: Общая информация об участнике конкурса

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN	25	Ф-3	17	Экспертная		
ЯНГИКУРГОН ТЎФУК	25	1205866000	20	Экспертная		
УП ҚАМСИҚАВТОҲО'Л	25	10	15	Экспертная		
RUBIN VIA МЧЖ	25	25	0	Экспертная	Дисквалифицирован	24 лот буйича голиб деб топилган. кейинги лотларга салохияти етмайди
JOBIRBEK МСНЈ	25	25	8	Экспертная		

Критерий №3 Форма-8

Тип: Текстовое значение

Описание: Свидетельство осмотра стройплощадки

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN	1	Ф-8	1	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЯНГИКУРГОН ТЎФУК	1	1205866000	1	Экспертная		
УП ҚАМСҲІҚАВТОҲО'Л	1	10	1	Экспертная		
RUBIN VIA МЧЖ	1	1	1	Экспертная		
JOBIRBEK MCHJ	1	1	1	Экспертная		

Критерий №4 Форма-7

Тип: Текстовое значение

Описание: Информация по контрактам (объектам)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN	2	Ф-7	2	Экспертная		
ЯНГИКУРГОН ТЎФУК	2	1205866000	2	Экспертная		
УП ҚАМСҲІҚАВТОҲО'Л	2	10	2	Экспертная		
RUBIN VIA МЧЖ	2	2	2	Экспертная		
JOBIRBEK MCHJ	2	2	2	Экспертная		

Критерий №5 Форма-6

Тип: Текстовое значение

Описание: Перечень машин и механизмов

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN	14	Ф-6	14	Экспертная		
ЯНГИКУРГОН ТЎФУК	14	1205866000	4	Экспертная		
УП ҚАМСҲІҚАВТОҲО'Л	14	10	7	Экспертная		
RUBIN VIA МЧЖ	14	14	0	Экспертная	Дисквалифицирован	24 лот буйича голиб деб топилган. кейинги лотларга салоҳияти етмайди
JOBIRBEK MCHJ	14	14	4	Экспертная		

Критерий №6 Форма-4

Тип: Текстовое значение

Описание: Финансовое положение участника конкурса

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN	27	Ф-4	27	Экспертная		
ЯНГИКУРГОН ТЎФУК	27	1205866000	27	Экспертная		
УП ҚАМСҲИҚАВТОҲО'Л	27	10	14	Экспертная		
RUBIN BIA MЧЖ	27	27	27	Экспертная		
JOBIRBEK MCHJ	27	27	27	Экспертная		

Критерий №7 Форма-2

Тип: Текстовое значение

Описание: Информация о неисполненных подрядных договорах

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN	3	Ф-2	3	Экспертная		
ЯНГИКУРГОН ТЎФУК	3	1205866000	3	Экспертная		
УП ҚАМСҲИҚАВТОҲО'Л	3	10	3	Экспертная		
RUBIN BIA MЧЖ	3	3	3	Экспертная		
JOBIRBEK MCHJ	3	3	3	Экспертная		

Критерий №8 Форма-5

Тип: Текстовое значение

Описание: Опыт работы участника конкурса

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN	23	Ф-5	23	Экспертная		
ЯНГИКУРГОН ТЎФУК	23	1205866000	23	Экспертная		
УП ҚАМСҲИҚАВТОҲО'Л	23	10	13	Экспертная		
RUBIN BIA MЧЖ	23	23	23	Экспертная		
JOBIRBEK MCHJ	23	23	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
------------------------	-----------------	--------------------	----------------------------	------------------------	----------------------	------------------	-------------------------

			(UZS)				
ЯНГИКУРГОН ТЎФУК	1 205 866 194.00	1 205 866 000.00 UZS	1 205 866 000.00	00.00	1 205 866 000.00	26.11.2022 19:24:54	9.5
JOBIRBEK MCHJ	1 205 866 194.00	1 202 866 194.00 UZS	1 202 866 194.00	00.00	1 202 866 194.00	28.11.2022 12:23:41	9.52369
УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN	1 205 866 194.00	1 145 572 884.00 UZS	1 145 572 884.00	00.00	1 145 572 884.00	26.11.2022 09:11:23	10
УП ҚАМЧИҚАВТОҲО'Л	1 205 866 194.00	1 169 690 208.00 UZS	1 169 690 208.00	00.00	1 169 690 208.00	28.11.2022 05:00:28	9.79381

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ЯНГИКУРГОН ТЎФУК	76.5	9.5	86
RUBIN VIA MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
JOBIRBEK MCHJ	58.5	9.52369	68.02369
УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN	82.8	10	92.8
УП ҚАМЧИҚАВТОҲО'Л	54	9.79381	63.79381

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 194363 от 05.12.2022 года на приобретение Текущий ремонт улиц Беруний и Азиз в МСГ "Гайрат" Наманганского района Наманганской области определила победителем:

УП NAMANGAN TUMAN YO'LLARDAN
200082313

и резервный исполнитель: ЯНГИКУРГОН ТЎФУК (200118130)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	Назаров Одилжон Олимжанович	Согласен	
Член комиссии	Ахмедов Нозим Носирович	Согласен	
Член комиссии	Боёзов Дилшод Адхамжонович	Согласен	
Член комиссии	Хакимбаев Ойбек Орифович	Согласен	
Член комиссии	Инамов Илхомхўджа Исломхўжаевич	Согласен	
Член комиссии	Тожибаев Акмалжон Алишерович	Согласен	
Член комиссии	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

№	Түр	Объекттар номи ва мазмун	Курчанинг таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Курчанинг таърихи ва йили	Курчанинг таърихи ва йили	Курчанинг таърихи ва йили	Курчанинг таърихи ва йили	Курчанинг таърихи ва йили	Шу жумладан										2022 йил жами қўйилган қўйилган	2023 йил жами қўйилган қўйилган	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	Тендер шартнаамалари таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Ташқи қўйилган объект				
										Курчанинг таърихи ва йили		Курчанинг таърихи ва йили		Курчанинг таърихи ва йили		Курчанинг таърихи ва йили		Курчанинг таърихи ва йили									Курчанинг таърихи ва йили		Курчанинг таърихи ва йили	
										к.м	қўйилган	к.м	қўйилган	к.м	қўйилган	к.м	қўйилган	к.м	қўйилган								к.м	қўйилган	к.м	қўйилган
60		Миршароф МОЙИ худудидан 3 км текчи йўллари асфалтлаш	2022-2023 й.й	3,088	1 386,876	71,317	1 386,876	1 386,876	71,317	1 386,876	3,088	1 315,559	3,088	1 315,559	71,317	39,467	1 386,876	3,088	1 386,876	№ 70964 13.11.2022 й.	Ташқи асосда	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	Тендер шартнаамалари таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Ташқи асосда				
61		Миллақов МОЙИ худудидан 3,1 км текчи йўллари асфалтлаш.	2022-2023 й.й	3,036	450,026	22,379	450,026	450,026	22,379	450,026	3,036	427,646	3,036	427,646	22,379	12,829	450,026	3,036	450,026	№ 70989 13.11.2022 й.	Ташқи асосда	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	Тендер шартнаамалари таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Ташқи асосда				
62		Эшбол МОЙИдан Корсар-2, Корсар-3 қўшарига 2 км шалаштириш	2022-2023 й.й	2,067	241,477	13,295	241,477	241,477	13,295	241,477	2,067	228,181	2,067	228,181	13,295	6,845	241,477	2,067	241,477	№ 70995 13.11.2022 й.	Ташқи асосда	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	Тендер шартнаамалари таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Ташқи асосда				
63		Қурман МОЙИ худудидан 2,2 км текчи йўллари асфалтлаш	2022-2023 й.й	2,000	194,178	11,918	194,178	194,178	11,918	194,178	2,000	182,260	2,000	182,260	11,918	5,468	194,178	2,000	194,178	№ 71011 13.11.2022 й.	Ташқи асосда	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	Тендер шартнаамалари таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Ташқи асосда				
64		Саловат МОЙИдан 13,1 км йўллари асфалтлаш	2022-2023 й.й	11,978	5 743,747	314,361	5 743,747	5 743,747	314,361	5 743,747	11,808	5 403,886	11,808	5 403,886	314,361	162,882	5 743,747	11,978	5 743,747	№ 70850-861-8097 20.11.2022 й.	Тендер асосда	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	Тендер шартнаамалари таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Ташқи асосда				
VII		Норин тумани		21,493	10 753,849	10 753,849	10 753,849	10 753,849	10 753,849	10 753,849	10 753,849	10 208,048	0,320	0,000	545,801	306,241	10 753,849	21,493	10 753,849	№ 70572 12.11.2022 й.	Ташқи асосда	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	Тендер шартнаамалари таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Ташқи асосда				
65		Дўстлик МОЙИ А.Аловий кўчаси 1 км қисмини асфалтлаш.	2022-2023 й.й	0,996	493,076	25,575	493,076	493,076	25,575	493,076	0,996	467,501	0,996	467,501	25,575	14,025	493,076	0,996	493,076	№ 70572 12.11.2022 й.	Ташқи асосда	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	Тендер шартнаамалари таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Ташқи асосда				
66		Зарбдор МОЙИ худудидан 2,5 км мософага текчи йўлни асфалтлаш	2022-2023 й.й	2,572	1 276,875	64,424	1 276,875	1 276,875	64,424	1 276,875	2,572	1 212,452	2,572	1 212,452	64,424	36,374	1 276,875	2,572	1 276,875	№ 70884 12.11.2022 й.	Ташқи асосда	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	Тендер шартнаамалари таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Ташқи асосда				
67		Бўстон МОЙИдан Увакей кўчаси 1,0 км асфалтлаш	2022-2023 й.й	1,420	699,124	30,606	699,124	699,124	30,606	699,124	1,420	668,518	1,420	668,518	30,606	20,056	699,124	1,420	699,124	№ 70889 12.11.2022 й.	Ташқи асосда	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	Тендер шартнаамалари таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Ташқи асосда				
68		Навоий МОЙИ Навоий кўчаси 0,8 км ҳисда Тўқмачи кўчаси 1,2 км худудидан текчи йўллари асфалтлаш.	2022-2023 й.й	1,970	967,638	49,591	967,638	967,638	49,591	967,638	1,970	918,047	1,970	918,047	49,591	27,541	967,638	1,970	967,638	№ 70854 13.11.2022 й.	Ташқи асосда	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	Тендер шартнаамалари таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Ташқи асосда				
69		Янқов МОЙИдан Жасорат, Шарк қўли ва Мўқолий номида кўчаларнинг 2 км осон текчи йўллари асфалтлаш.	2022-2023 й.й	1,964	944,552	48,919	944,552	944,552	48,919	944,552	1,964	895,633	1,964	895,633	48,919	26,869	944,552	1,964	944,552	№ 70695 12.11.2022 й.	Ташқи асосда	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	Тендер шартнаамалари таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Ташқи асосда				
70		Ўзбекистон МОЙИ худудидан С.Айлий ва С.Алашев кўчаларининг 1,6 км қисми асфалтлаш.	2022-2023 й.й	0,988	402,963	29,261	402,963	402,963	29,261	402,963	0,988	373,702	0,988	373,702	29,261	11,211	402,963	0,988	402,963	№ 70699 12.11.2022 й.	Ташқи асосда	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	Тендер шартнаамалари таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Ташқи асосда				
71		Фуркат МОЙИ худудидан жойлашган "Фуркат", "Осмок", "Улуғбек" кўчаларининг 2 км қисми бегона қолдириш.	2022-2023 й.й	1,911	1 497,827	70,859	1 497,827	1 497,827	70,859	1 497,827	1,911	1 426,968	1,911	1 426,968	70,859	42,809	1 497,827	1,911	1 497,827	№ 72595 15.11.2022 й.	Ташқи асосда	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	Тендер шартнаамалари таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Ташқи асосда				
72		Мирзоулмак МОЙИ Оғтин қўли кўчасининг 1 км узунлигини йўллари асфалтлаш.	2022-2023 й.й	1,026	407,123	23,072	407,123	407,123	23,072	407,123	1,026	384,052	1,026	384,052	23,072	11,522	407,123	1,026	407,123	№ 70626 12.11.2022 й.	Ташқи асосда	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	Тендер шартнаамалари таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Ташқи асосда				
73		Қатта янқов МОЙИ Мейлибон кўчасининг 2,4 км узунлигини йўллари асфалтлаш.	2022-2023 й.й	2,504	1 224,523	59,501	1 224,523	1 224,523	59,501	1 224,523	2,504	1 165,022	2,504	1 165,022	59,501	34,951	1 224,523	2,504	1 224,523	№ 70633 12.11.2022 й.	Ташқи асосда	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	Тендер шартнаамалари таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Ташқи асосда				
74		Қоратери МОЙИ Навоий кўчасининг 0,8 км осонлигини асфалтлаш ва Подшоҳлик кўчасининг 0,3 км осонлигини шалаш.	2022-2023 й.й	1,152	454,728	25,429	454,728	454,728	25,429	454,728	0,832	429,299	0,832	429,299	25,429	12,879	454,728	1,152	454,728	№ 70724 13.11.2022 й.	Ташқи асосда	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	Тендер шартнаамалари таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Ташқи асосда				
75		Фуркат МОЙИ худудидан жойлашган "Фуркат", "Осмок", "Улуғбек" кўчаларининг 2 км қисми асфалтлаш.	2022-2023 й.й	3,000	1 397,437	67,935	1 397,437	1 397,437	67,935	1 397,437	3,000	1 329,502	3,000	1 329,502	67,935	39,885	1 397,437	3,000	1 397,437	№ 70808 02.12.2022 й.	Ташқи асосда	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	Тендер шартнаамалари таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Ташқи асосда				
76		Янқов МОЙИ текчи йўллари асфалтлаш.	2022-2023 й.й	1,990	987,983	50,630	987,983	987,983	50,630	987,983	1,990	937,354	1,990	937,354	50,630	28,121	987,983	1,990	987,983	№ 70819 02.12.2022 й.	Ташқи асосда	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	2023 йил 1 январь ҳолатига қўйилган объект	Тендер шартнаамалари таърихи ва йили	Лойҳанинг қурамы, тендер шартнаамалари (к.м)	Ташқи асосда				

